# СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Янги республика Советлари ва маҳаллий Советлар ҳозир Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар туфайли зарур ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлдилар; тез орада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун қабул қилиниши керак. Айни вақтда партия ташкилотларининг Советларга васийлик қилишига, аниқ давлат ва хўжалик масалаларини ҳал этишга бевосита аралашувига чек қўйилади. Бундай шароитда Советлар ўзларининг янги вазифаларини тезроқ ўзлаштириб олиб, тўла куч билан ишлашлари айниқса муҳимдир. Акс ҳолда хатарли ҳокимиятсизлик вужудга келади.

Қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман: Советларнинг янги системасини вужудга келтириш натижасида мамлакат Президенти ўз вазифаларини ижро эта туриб, таяна оладиган механизм вужудга келади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари системасида Президентнинг ролини мен умуман қандай тасаввур қиламан?

Энг аввало, қайта қуриш муқаррарлигининг кафолати бўлиш, ҳуқуқий давлатчиликни, ўзини-ўзи бошқарадиган социалистик жамиятни тузиш ишини қатъий ва ҳеч оғишмай олиб бориш унинг энг муҳим вазифасидир.

Ҳокимиятни бўлиш принципи вазифаларни аниқ белгилаб беришни кўзда тутади. Аммо уларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги имконияти ва зарурийтини ҳам инкор этмайди. Мен Совет давлати бошлиғининг ва унинг ҳузурида тузилаётган Президент кенгашининг асосий вазифаларидан бири ана шунда, деб биламан. Мазкур ташкилотни давлат тараққиётининг ва ижтимоий тараққиётнинг асосий соҳаларида катта сиёсий арбоблар, мутахассисларнинг коллективи, деб тасаввур қиламан. У ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан тавсияларни ишлаб чиқади ва зарур бўлиб қолганда шошилинч ечимларни таклиф этади.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, менинг тушунишимча, Президент ўзини қандайдир алоҳида қатлам ёки сиёсий оқимнинг вакили бўлиб деб эмас, балки бутун халқнинг ишончли кишиси деб ҳис этиши ва иш юритиши керак.

Бу, албатта, Президент ўз сиёсий эътиқодидан воз кечиши керак, деган маънони билдирмайди, лекин ғоят холис ва беғараз тарзда жамиятда мавжуд бўлган қарашлар ва қонуний манфаатларнинг бутун кўламини эътиборга олишга тайёрлигини, мамлакат ва халқ фаровонлигини ҳамма нарсадан ҳам устун қўйиб, қасамёдга мувофиқ иш кўришини билдиради.

Шу муносабат билан бу ерда, Съездда ҳам жўшқин, баъзан эса кескин мунозараларга сабаб бўлган масалага тўла аниқлик киритиш керак. Мен Президент билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимларини қўшиб олиб боришни кўзда тутмоқдаман. Бугун ҳам, яқин истиқболда ҳам қайта қуриш манфаатлари бундай ўриндошликни тақозо қилмоқда, деб ҳисоблаётган депутатларнинг фикрига қўшиламан.

Халқ депутатларининг ҳозирги Съезди СССР Конституциясининг 6- ва 7-моддаларига ўзгартиш киритиб жамиятимиз демократиясини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Бундан буён КПСС бошқа сиёсий ташкилотлар билан баб-баравар иш кўради, сайловда қатнашади, иттифоқ ва республика ҳукуматларини, жойлардаги ҳокимият органларини демократик усуллар билан тузиш ҳуқуқи учун курашаверади.

Шу муносабат билан Президентнинг ва унинг ҳузурида тузиладиган идораларнинг энг муҳим вазифаларидан бири, менинг назаримда, сиёсий ечимлар ва ижтимоий ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат. Президент ҳокимияти демократизми ижтимоий тафаккур турли йўналишлари вакиллари билан мулоқот ва ҳамкорликни, Президентнинг у ёки бу ташаббуслари ва программаларини ишлаб чиқишда уларнинг қатнашишларини тақозо этади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу биринчи галда СССР халқ депутатларига тааллуқлидир. Менинг назаримда, Президент кенгаши таркибида жуда катта ва масъулиятли роль ўйнайдиган съезд, Олий Совет, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, ижодий уюшмалар, фан ва маданият муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан алоқа боғлаб турадиган махсус кишилар бўлиши зарур.

Ниҳоят, Президент барқарор жамоат тартибининг, гражданлар ва давлат хавфсизлигининг кафолати бўлиши керак. Биз ҳаммамиз ҳозир бошқарув ва ижроия ҳокимиятининг заифлиги ва фаолиятсизлигини бартараф этиш зарурлигини сезиб турибмиз. Бу, аслини олганда, Президент лавозимини жорий этишни кечиктирмаслик сабабларидан бири бўлди.

Жамиятда аҳвол издан чиқаётганлиги хавфи билан боғлиқ хавотирлик кучаймоқда. Мен бунда зўравонлик, муросасизликни, миллий адоватни авж олдириш, турли шартлар ёрдамида давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказиш йўли билан ўз мақсадига эришишга уринишларни назарда тутаяпман.

Баъзи гуруҳлар ва арбоблар қўрқувни, граждан уруши, тўнтариш, миллий ҳалокат хавфини ва шу сингари хавф-хатарларни авж олдириш йўли билан ўз қарашларини тиқиштиришга ошкора умид боғламоқдалар. Аммо жамият умуман, мамлакат сиёсатига таъсир ўтказишнинг бундай усулларини қабул қилмайди, қайта қуриш мақсадларига тубдан зид бўлган, ҳали ўзини мустаҳкамлаб олмаган демократиямиз учун хатарли бўлган бундай усулларни рад этади. Жараёнларнинг бундай ривожланишига қатъиян чек қўйиш даркор.

Президент ҳокимиятининг вазифаси — гражданларнинг ҳаётига, мол-мулки, қадр-қиммати ва хавфсизлигига тажовуз қилиш соҳасида ҳам, шунингдек чайқовчилик, пинҳона иқтисодиёт соҳасида ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган тус олган жиноятчиликка қарши қатъият билан курашишдан иборат. Шу мақсадда тегишли қонунлар ижроси устидан қатъий назоратни йўлга қўйиш, зарур фармонлар чиқариш ва, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлаш талаб этилади. Суд, терговаппарати, прокуратуранинг мавқеи, ҳуқуқ ва масъулияти улар ҳал этиши зарур бўлган вазифаларга мувофиқ бўлиши учун уларни ислоҳ қилишни жадаллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Мен масалани шу тарзда ўртага қўяр эканман, ҳуқуқ бузилишига олиб келаётган сабаблар бартараф этилиши учун давлат ва хўжалик идораларининг, барча кадрларимизнинг масъулиятини истисно этмайман. Жиноятчилик кўп ҳолларда ўз илдизи билан хўжасизликка, исрофгарчиликка, мулкка нисбатан ҳурматсизлик муносабатига, моддий қадриятлар, жамоат тартиби зарур даражада ҳисобга олинмаётганлигига бориб тақалмоқда.

Советларнинг янги имкониятларидан фойдаланиш, бу ишга жамоатчиликни жалб этиш, матбуотнинг фаол иштироки зарур тартиб ўрнатиш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳеч қандай ҳокимият одамларнинг биргаликда нормал яшаши учун зарур бўлган ахлоқий негизларни ўзгартиришга қодир эмас. Ўтмишда мамлакатимизда аслида маънавийликни назарписанд қилмай, уни идеализм деб ҳисоблаганлар, эндиликда эса бу бизга ғоят қимматга тушмоқда. Биз ғоят кенг маънода меҳнатга, илм-фанга, таълимга, санъатга, маданиятга бошқача, виждонан муносабатда бўлишимиз зарур. Барча маънавий қадриятлар жамиятнинг тўлақонли мавжудлиги ва ривожланишининг ҳаётий зарурати сифатида тушунилиши учун шарт-шароит яратиш керак.

Халқларимиз ўзларининг узоқ тарихи мобайнида, жумладан Совет даврида тўплаган ғоят бой маданий бойлигимизга таяниб, жаҳон цивилизацияси қадриятларидан баҳраманд бўлиб, жамиятдаги инсоний муносабатлар бутун муҳитини яхшилаш, Ватанни фаровон қилишга интилаётган барча кишиларни бирлаштириш зарур.

Биз буни ҳали чинакамига англаб етмаган кўринамиз. Гуруҳбозлик жанжаллари жамиятимизни кемирмоқда. Айниқса, зиёлилар орасида низолар ўч олишгача бориб етмоқда. Зиёлиларимиз мамлакат тарихининг мана шу қалтис бурилиш босқичида кўп иш қилишлари лозим. Кимлардир жамиятда бирлик бўлишини ва унинг мақсадга мувофиқлигини умуман шубҳа остига қўймоқда. Мен бу фикрга қўшилмайман. Қийин дақиқаларда ҳамиша халқ тўсиқларга қаршилик кўрсатиш, уларни бартараф этиш учун ўз кучларини тўплайди. Одамлар ўзларининг маънавий мураббийлари деб билган кишиларнинг вазифаси эса — ана шундай бирликка бутун чоралар билан ёрдам беришдан иборат.

Бугунги кунда қайта қуришга халақит бераётган барча нарсаларни бартараф этиш учун унинг сиёсати ва ғоялари теварагида бирлашиш зарур, албатта.

Ташқи сиёсат тўғрисида. Кейинги йилларда ташқи сиёсатимиз реализм ва соғлом фикр синовидан ўтди. Дастлабки ёндашув «совуқ уруш»га чек қўйиш ва бевосита уруш хавфини бартараф этиш имконини берди. Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсеварлик сиёсати моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллади. Шунинг учун мен ташқи сиёсатимизга нисбатан бирёқлама, баъзан масъулиятсиз хуружларни қатъиян рад этаман. Халқ депутатларининг биринчи Съезди совет халқи номидан ташқи сиёсатга оид маълум қарорни қабул қилиб, уни амалга оширишнинг кафолати бўлди. Президентнинг барча хатти-ҳаракатлари ана шу қарорнинг ҳарфи ва руҳига қатъиян мос бўлиши лозим.

Жаҳон тараққиётининг бурилиш босқичида, урушдан кейинги ҳарбий-сиёсий мувозанат структураси муҳим ўзгаришларга дуч келаётган пайтда бизда Президент муассасаси жорий этилмоқда. «Совуқ уруш»га барҳам берилди, бироқ ҳарбий мухолифлик ҳали бартараф этилмаган. Шунинг учун хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий усуллари шубҳасиз устун бўлган шароитда оқилона етарлилик ва янги ҳарбий доктрина принциплари асосида мамлакатнинг мудофаа сиёсатига раҳбарлик, СССР Қуролли Кучлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам Президент фаолиятида сўзсиз ўрин олиши керак. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Мен эндиликда Президент сифатида шундай бўлади, деб сизларни ишонтиришни истайман.

Ҳозирги вақтда биз ҳарбий соҳада ҳам чуқур ислоҳотни амалга оширишимиз зарур. Бу борада катта турқумдаги мураккаб масалаларни ҳал этишимизга тўғри келади ва бу Президентнинг, Президент кенгашининг, ўз-ўзидан равшанки, СССР Олий Совети билан ҳамкорликдаги муҳим юмушларидан бири бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, халқ депутатлари Съезди тасдиқлаган принципга — Олий Совет ёки Съезднинг рухсатисиз мамлакат ташқарисида қуролли кучларни қўлланиш қатъиян ва то абад истисно қилиниши принципига содиқ эканлигимни тасдиқлашни истайман. Ташқаридан кўққисдан ҳужум бўлганидагина бунга амал қилмаслик мумкин.

Яқин вақт ичида ташқи сиёсат соҳасида нима ишлар қилиниши керак? Катта натижаларга эришиш мақсадида қурол-яроғларнинг барча асосий турлари юзасидан музокаралар жараёнини жўшқинлик билан олдинга силжитиш асосий вазифалардан биридир. Шу йилнинг ўзидаёқ бундай натижаларга эришилса яхши бўларди.

Вашингтонда Президент Буш билан бўладиган учрашувга катта ечимлар тайёрланмоқда. Бу ечимлар Совет — Америка муносабатларини яхшилашда янги қадамни билдирибгина қолмай, жаҳон сиёсатининг ижобий тенденцияларини мустаҳкамлашда икки буюк давлатимизнинг муҳим ҳиссасига ҳам айланди. Шарқий Европада биз билан иттифоқчи бўлган барча олти мамлакатда тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлди. Улар билан тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўз йўлини ўзи танлаш эркинлиги принциплари асосида муносабатлар ўрнатиб, бу муносабатларда янгича тафаккурга зид бўлган барча нарсаларни чиқариб ташлаб, неча ўн йиллик қалин мулоқотда тўпланган барча қимматли, чинакам тараққийпарвар қадриятларни сақлаб қолиш муҳимдир.

Германия масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масала ҳозир Европа сиёсатининг марказидадир. Шу кунларда позициямизни кўп маротаба баён этиб беришимга тўғри келди. Позициямиз халқимизга ҳам, барча манфаатдор томонларга ҳам яхши маълум. Унинг моҳияти шундан иборатки, немисларнинг табиий бирлашиш ҳуқуқи амалга оширилиши Германия территориясида уруш хавфини батамом ва абадул-абад бартараф этиши керак. Бошқа барча жиҳатлар — тўрт давлатнинг ҳуқуқи ҳам, чегараларнинг бузилмаслиги ҳам, Умумевропа жараёни билан алоқа ҳам, Германиянинг НАТОда бўлиши номақбуллиги ҳам, иккинчи жаҳон уруши якунлари юзасидан сулҳ шартномаси зарурлиги ҳам шундан келиб чиқади.

Халқаро воқеаларнинг жадал ривожи АҚШ ва Канада иштирокида шу йилнинг кузида олий даражадаги умумевропа учрашувига янгича аҳамият касб этади. Европа марказида бирлашган Германия вужудга келаётганини ҳисобга олиб, блок системасини хавфсизлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик коллектив органлари билан алмаштириш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти келди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ «Хельсинки-икки»га қараб йўл тутишимиз керак, бу шартнома халқаро муносабатлар тарихидаги икки даврни боғлаши мумкин.

Бир қанча нуфузли мамлакатлар қўшма баёнотлар ва ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир ўнлаб битимларни имзоладилар. Бу ҳужжатларга ўзаро содиқлик — барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётнинг, Европада эса — «Умумевропа хонадони» сари реал ҳаракатнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу билан биз маҳкам боғландик. Президент мазкур ҳужжатлардаги принципиал ва амалий тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назорат қилишга ҳақлидир.

Янгича фикрлаш сиёсати ривожланаётган мамлакатларга қизиқишимиз сусайганини билдирмайди. Тенг ҳуқуқ учун, ижтимоий тараққиёт, демократия ва инсонга муносиб турмуш учун курашаётган давлатлар билан бирдамлигимиз ўзгармасдир.

Осиё — Тинч океани йўналишида Владивосток ва Красноярск ташаббусларини изчиллик билан амалга ошириш, уларни аниқ, амалий муносабатлар майдонига ўтказишга тўғри келади.

Бизни буюк Ҳиндистон билан кўп йиллик мустаҳкам ҳамкорлик боғлаб турибди. Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик яхши ривожлана бошлади.

Европада ва Осиёда тинчликсевар ҳамжамиятларни вужудга келтириш жараёнлари, менинг фикримча, охир-оқибатда бутун Европа ва Осиё кенглигида хавфсизликнинг ягона системаси билан якунланиши керак.

Яқин Шарқдаги вазиятни жиддий англашга, биз учун, бутун жаҳон ҳамжамияти учун муҳим бўлган регионда фаол сиёсатимизни тиклашга тўғри келади.

Лотин Америкаси ташқи сиёсий алоқаларимизда борган сари каттароқ ўрин эгалламоқда. Бу ерда ҳам халқаро тараққиётнинг ижобий тенденцияларини биргаликда кучайтириш имконияти вужудга келмоқда.

СССРнинг жаҳон-хўжалик алоқалари системасига қўшилиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги халқаро куч-ғайратларда иштирок этиши муаммоси доимо Президентнинг диққат марказида бўлиши керак.

Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бениҳоя аҳамиятини яна тасдиқлашни истардим. БМТ ролининг тикланиши ва унинг бунёдкорлик вазифалари кучайиши инсоният тарихида тинч давр сари ҳаракатнинг энг муҳим омиллари эканлигига ишончим комил.

Сўзимни якунлаб, шуни айтишни истардимки, барчамиз, юздан ортиқ халқларнинг ўғил ва қизлари ўз миллий ва маданий анъаналаримиз билан, беназир хусусиятларимиз билан ягона хонадонда яшаяпмиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти лавозимининг роли ва вазифаси мамлакатда миллий тотувликни, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳини қарор топтиришдан иборат, деб биламан. Гражданлар осойишталиги принципларини қарор топтириш, халқ манфаатларини баён этиб, ҳимоя қилиш — СССР Президенти сифатида мен учун энг олий мақсад ва муқаддас бурчдир.

Халқимизга, унинг иродасига, ахлоқига, ақл-заковати ва билимига, унинг соғлом идрокига таянмай туриб, Президент ҳокимиятини ижро этиш билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни тасаввур қила олмайман.

Қайта қуришни илгари суришга ҳал қилувчи ҳиссасини қўшаётган ишчилар синфининг мададига умид қиламан.

Ер юзида чинакам хўжайин бўлган совет деҳқонларининг бунёдкорлик кучига ишонаман, унинг меҳнатига эрк бериб, озиқ-овқат муаммосини ҳал этамиз.

Ақл-заковат ва маънавий қудрат кучини талаб қилувчи қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этган ва ҳал этадиган фан ва маданият арбобларига, бутун совет зиёлиларига ўз фикрим ва нигоҳимни умидворлик билан қаратаман. Ёшлардан, масъулиятли сиёсий қарорлар қабул қилишда, уларни рўёбга чиқаришда йигит ва қизларнинг реал иштирокидан, ёшликнинг бунёдкорлик куч-ғайратидан умидим катта.

Мен катта авлоднинг донолигига ва умум иши учун бутун умрлари давомида синовдан ўтган ғамхўрлигига, унинг Советлар ҳокимияти обрў-эътибори мустаҳкамланишидан манфаатдорлигига доимо таяна олишимга ишонаман.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари сафларида ўз бурчини ҳалол адо этиб, мамлакатимиз ичида тинч ўзгаришларнинг мустаҳкам кафолатини яратаётган кишиларга ҳам мурожаат қиламан.

Президент сифатида мамлакатимиздаги энг нуфузли сиёсий куч бўлган коммунистлар партиясига ўзининг XXVIII съездига Ҳаракат дастурини амалга оширишда муваффақиятлар тилайман. Партия эълон қилган программавий мақсад — инсонпарвар мақсад, демократик социализм халқ орзу-умидларига, унинг очиқ, демократик, адолатли ва гуллаб-яшнаётган жамиятда яшашга интилишига мос келади.

Мамлакатимиз оғир даврни бошидан кечирмоқда. Лекин агар биз ғайрат-шижоат билан, аҳил ҳаракат қилсак, албатта ана шу қийинчиликларни бартараф эта оламиз.

Қўрқув ва тушкунликка барҳам бериб, ўз кучимиз ва имкониятларимизга ишонч билан қарашимиз керак. Куч ва имкониятларимиз эса жуда катта. Рус халқи ва у билан кўп миллатли буюк давлатга бирлашган бошқа халқлар ўзларининг умумий ватанини тиклай оладилар. Ва албатта, қайта қуриш ҳамда социалистик янгиланиш йўлларида бунга эришадилар.

# СЪЕЗД ПРЕЗИДЕНТ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Депутат **Т. П. Буачидзе** мазкур масалани Олий Советнинг Миллатлар Советига бериш керак ва фақат шундан кейингина ялпи муҳокамага тақдим этиш лозим, деб таъкидлади.

Депутат **А. К. Орлов** Литвадаги вазият муҳокама қилинган чоғида баъзилар бу республикада нималар содир бўлаётганини ва илгари қандай тадбирлар белгиланганини дурустроқ билишмайди, деб айтган нотиқлар билан баҳслашиб, М. С. Горбачев ва бошқа ўртоқлар мазкур республикага яқинда сафар қилишганини эслатиб ўтди. Шунинг учун ҳам СССР халқ депутатлари учинчи Съездининг Литва Олий Совети қарорига зарур баҳо берилган баёнотини қабул қилиш керак, деб уқтирди у.

1940 йилнинг 15 июнь куни СССРнинг бронетанк қўшинлари ҳеч қандай референдумсиз Литва территориясига бостириб кирдилар, деди депутат **Н. Н. Медведев** ўзидан илгари сўзга чиққан нотиқларнинг фикрига қарши чиқиб. У Съезд қатнашчиларига мурожаат этиб, таклиф этилаётган баёнотни қабул қилишдан олдин обдон ўйлаб кўришга даъват этди.

Белоруссия ва Литва кўп асрлик муштарак тарихга эгадирлар, деб уқтирди депутат **В. М. Семенов.** У 1940 йилнинг ноябрь ойида БССРнинг бир қанча территориялари Литва Совет Республикасига берилганлигини эслатиб ўтди. Ҳамонки, Литва бир томонлама тарзда шартномаларни бекор қилаётган экан, БССР ўзи қабул қилган қарорларни қайта кўриб чиқишга ва илгари Белоруссия Литвага топширган территорияларни қайтариб беришни талаб қилишга мажбур бўлади.

Депутат **И. С. Тихонович** Олий Советга мурожаат қилиб, полякларни унутманг, деб таъкидлади. Вильнюс ўлкасида яшаётган ва аҳолининг кўпчилигини ташкил этаётган поляклар Литва Республикаси составида Польша автоном округини тузиш ниятидадирлар. Бу округда миллатидан қатъи назар тиллар ва одамларнинг тўла тенглиги таъминланади.

Болтиқбўйида вужудга келган вазият хусусида ҳозирги Съездда қарор қабул қилиниши керак, деди депутат **Н. С. Петрушенко.**

Депутат **А. А. Шчелканов** ўз нутқининг бошида ҳамкасбларига мурожаат қилиб: одамлар, оғир-вазмин бўлайлик, деб даъват этди. Бу ўринда гап мамлакат учун принцип жиҳатдан янги ҳодиса ҳақида бормоқда. Мабодо масала ҳозир ҳал этиладиган бўлса, қонун доирасида ҳал этиш лозим бўлади. У қарорнинг мазкур таҳририни рад этди, лойиҳани қайта ишлашни талаб қилди.

Болтиқбўйида ҳозир СССР Конституцияси қўполлик билан бузилмоқда, деб таъкидлади депутат **В. И. Яровой,** аммо бу анча илгари бошланган эди. Лекин қонунни шу таҳлитда бузишларни қоралайдиган ҳужжат эндигина пайдо бўлганлиги ачинарлидир. Вазият эндиликда мураккаб бўлиб тургани учун ҳам шу ҳужжатни қабул қилиш керак.

Депутат **Г. Л. Курдюмов,** мамлакатимизда «кўп» сўзини учта тушунчага нисбатангина қўлланиш мумкин, — деди, — яъни территория кўп, тартибсизлик кўп, эҳтирослар кўпдир. Айни вақтда қуйидаги тенденция кўзга ташланмоқда: тартибсизликлар ва эҳтирослар қанча кўп бўлса, территория шунчалик камайиб кетиши мумкин. Нотиқ ана шу тенденция хусусида жиддий ўйлаб кўришга даъват этди ва жуда лўнда ҳужжат қабул қилиб, Литва ССР Олий Советининг ультиматум тарзидаги талабларини қоралашни таклиф этди.

Литва халқига мурожаатдек, шу қадар масъулиятли ҳужжатни қабул қилишдан илгари иккала томон ҳам кўпгина жиҳатларни ойдинлаштириб, идрок этиб олишлари керак, деди депутат **В. М. Фалин.** Ҳужжатнинг руҳида эҳтирослар жўш урмасдан, у имкони борича амалий бўлиши лозим, деган таклифни нотиқ умуман қўллаб-қувватлади. У Съездга муҳокама этилаётган масала юзасидан ихчам қарор лойиҳасини таклиф этди.

Депутат **Р. А. Медведев** муҳокама чоғида босиқ, вазмин бўлишга даъват этди. Нотиқ бу масалани оқилона ҳал этиш яна шу жиҳатдан ҳам муҳимки, ҳойнаҳой бу ҳужжат ҳозиргина сайланган СССР Президентининг биринчи акти бўлса керак, деб таъкидлади.

Депутат **Р. А. Биков**нинг фикрича, қабул қилинадиган қарор СССР халқ депутатлари ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини эътироф этишларини тасдиқлаши лозим.

Шундан кейин сўзга чиққан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг раиси **Ю. Д. Маслюков** Литванинг СССР составидан чиқиши иқтисодий оқибатларини рўй-рост кўрсатиб турган бир қанча конкрет рақамларни тилга олди. Бунинг оқибатида кўриладиган зарарнинг умумий миқдори қарийб 18 миллиард сўм бўлади, бу маблағ тахминан Литванинг икки йиллик миллий даромадига баробардир. Нотиқ Литва Олий Совети Раисининг Н. И. Рижковга мурожаатидан кўчирмани тилга олди.

Нотиқнинг фикрича, Литва парламентининг қарорига бериладиган жавоб нечоғлиқ қаттиқ бўлиши масаласи ҳал этилаётганида, мазкур қарорлар иғвогарона бир тарзда, шоша-пиша ва Съездни писанд қилмай қабул қилинганлигини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Депутат **Е. В. Коган** нутқида Болтиқбўйидаги рус тилида сўзлашадиган аҳолини ажратиб қўйиш ва камситишга оид бир қанча фактларни айтиб ўтди. Қарор лойиҳасини қисқача таърифлаб, нотиқ бу ҳужжат хусусида бир қанча конкрет таклифлар айтди.

Шундан кейин **М. С. Горбачев** сўзга чиқди. У Литва масаласи хусусида мулоҳаза билдиришни сўраб, президиумга тушган хатни ўқиб эшиттирди.

Масаланинг моҳияти юзасидан жавоб бермоқчиман ва сўзга чиқмоқчиман, деди Президент. Лекин шакл хусусида қуйидагиларни айтиб ўтишни истар эдим: вазият ўзгарган ҳолда ҳам биз ўзимизнинг мулоқот услимизни сира ўзгартира олмаймиз.

Сўзга чиққан нотиқлар, деб таъкидлади сўнгра М. С. Горбачев, мамлакатимиз ички ҳаётининг ана шу бош масаласига ўз муносабатини билдирмасдан Съезд якунланиши мумкин эмас, деб якдиллик билан айтдилар. Съезд номига келган телеграммалар Литвада ҳозир содир бўлаётган воқеалар хусусида одамлар жуда ташвишланаётганликларидан далолат бериб турибди.

Биз бу муаммони муҳокама қилаётганимизда Литва, бутун мамлакат ва ҳатто Европа ва жаҳон кўз ўнгимизда туриши керак. Бу масалани жўнлаштириш ҳам керак эмас. Биз сабр-бардош билан иззат-икромни намоён этиб келдик, ҳозир ҳам намоён этмоқдамиз. Назаримда барча нутқларнинг мазмуни ҳам худди ана шундайдир.

Биз бир неча ой мобайнидагина эмас, сўнгги бир ярим-икки йил ичида литвалик ўртоқлар, Литва халқи билан фаол мулоқот қилиб турибмиз. Ана шундай мулоқот юритиб, ҳозиргача тўғри йўл тутдик, деб ўйлаймиз. Агар ҳозир бу жараён шу қадар ўткир шакллар касб этган экан, бунда фикримча, марказнинг ҳам, барча республикалар вакилларининг ҳам айби йўқ. Улар иззат-икром, сабр-бардош ва ўртоқлик руҳини намоён этдилар ва намоён этмоқдалар.

Шу билан бирга биз эндиликда шундай бир маррада турибмизки, унинг ортида тўхтатиш лозим бўлган жараёнлар бошланади, бунинг аломатлари ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди. Биз бу ҳақда Литва халқига ҳам, бутун мамлакатга ҳам, жаҳонга ҳам очиқ-ойдин айтишимиз керак. Жаҳон ҳам бизнинг позициямизни, халқ депутатлари Съезди позициясини кутиб турибди.

Мен съезд иш бошлаган кезда айтган гапларимга асосланишни истар эдим. Съезд ва биз ҳаммамиз, совет халқининг хоҳиш-иродасини ифода этиб, Литва халқига ҳурмат туйғусини сақлаб турибмиз, Литва халқи бошқа-ю, уни боши берк кўчага етаклаётганлар, халқ тақдирини хавф остига қўяётганлар бошқалигини биламиз. Биз Литва халқига ҳам ва ўз фаолиятини биз хабардор бўлган қарорлар қабул қилиниши билан боғлаётган кўп кишиларга ҳам ёрдам беришимиз керак. Аммо айни вақтда ҳурматни ва сабр-бардошни сақлашимиз, принципиаллик ва қатъият кўрсатишимиз керак.

Шу муносабат билан Президент ҳужжат лойиҳасини ахборотга дахлдор тафсилотлардан холи қилиб, ҳозирги вақтда жуда зарур бўлган, вазиятнинг ўзи тақозо этаётган муҳим сиёсий ва ҳуқуқий таъкидлар ва топшириқлар билан чекланиб қарор қабул қилишни таклиф этди.

М. С. Горбачев таклиф этган қарор матнини Съезд кўпчилик овоз билан қабул қилди.

Съезд ҳисоб комиссиясининг раиси **Ю. А. Осипьян** СССР Олий Совети Раиси сайлови юзасидан яширин овоз бериш натижалари аниқланган Ҳисоб комиссиясининг мажлиси тўғрисида маълумот берди. Овоз бериш учун сайлов бюллетенларини 1896 нафар СССР халқ депутати олди, — деди у. Сайлов қутилари очилганида 1890 та бюллетень чиқди. 6 бюллетень бекор қилинди. Берилган овозлар қуйидагича тақсимланди: Велихов — ёқлаб 60, қарши — 1824 овоз; Казанник — ёқлаб 75, қарши — 1809 овоз; Лубенченко — ёқлаб 377, қарши — 1507 овоз; Лукьянов — — ёқлаб 1202, қарши — 682 овоз; Рябченко — ёқлаб 26, қарши — 1858 овоз; Собчак — ёқлаб 77, қарши — 1807 овоз; Федоров — ёқлаб 39, қарши — 1845 овоз; Фильшин — ёқлаб 22, қарши — 1862 овоз.

Шундай қилиб, халқ депутатларининг кўпчилик овозини олиб, яъни рўйхатдаги составнинг 53,6 фоизи овозини олиб, А. И. Лукьянов СССР Олий Советининг Раиси бўлди.

Съезд Ҳисоб комиссияси протоколини тасдиқлади ва ўртоқ **Анатолий Иванович Лукьянов**ни СССР Олий Советининг Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети Раиси **А. И. Лукьянов** сўзга чиқди.

Зиммамга жуда катта мажбурият юклайдиган лавозимга сайлаб ишонч билдирганлигингиз учун чуқур миннатдорчилик изҳор этаман, деди А. И. Лукьянов. Сўнгра у бундай деди:

Бундан қарийб бир йил муқаддам мен ана шу минбардан СССР Олий Совети ва Съездимиз қандай юмушларни адо этиши лозимлиги тўғрисида гапиришимга тўғри келган эди. Биз ўшанда ҳокимият олий органининг расмий, нуфузи тушиб кетган, дабдабали ҳолатига барҳам бериш лозимлиги ҳақида гапирган эдик. Ўшанда биз турлича нуқтаи назарлар, позицияларни аниқлашга имкон берадиган ишчан, талабчан органни тузиш лозимлиги ҳақида, Съезд ва Олий Совет кўриб чиқа олмайдиган бирорта ҳам масала бўлмаслиги тўғрисида, биз ошкора, омманинг кўз ўнгида ва меҳнаткашлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишлашимиз кераклиги ҳақида гапирган эдик.

Қонунчилик соҳасидаги катта вазифалар тўғрисида ва Олий Совет фаолиятининг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам гапирилган эди. Агар қилинган ишга бугунги кун позицияларидан туриб назар ташласак, ҳар қалай, анчагина ишлар қилинди, деб айтиш учун бизда барча асослар бор. СССР Олий Совети ғайрат билан ишламоқда, мазкур Олий Совет «итоаткор» бўлгани йўқ, «сталинча-брежневча» орган ҳам бўлгани йўқ. Бунинг устига Олий Совет ишида дабдаба ҳам йўқ. Ўн ой мобайнида халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет 28 та энг муҳим қонун ва 220 дан кўпроқ қарор қабул қилди. Гарчи анчагина қийинчиликларга дуч келган бўлсак ҳам ишимизда кўпгина янги, жиддий дастурлар ҳам пайдо бўлди. Шу билан бир қаторда илгаригига нисбатан анча кўп иш қилишимиз керак бўлади, албатта.

Сайланганимдан кейинги ана шу мухтасар нутқимда нималарни таъкидлаб ўтишни истар эдим?

Биринчидан, ҳозир биз кўппартиявийлик нафасини яққол ҳис этиб турган эканмиз, бир жиҳатдан, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги замиридаги ижобий омилдан имкони борича кўпроқ фойдаланиб, иккинчи жиҳатдан эса, худди ана шу сиёсий фикрлар хилма-хиллиги юзага келтираётган кескинлик муҳитини торайтириб, Олий Совет ишини ташкил этишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Коммунистик партия Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури партиямиз вакилларини қайта қуриш тарафдори бўлган барча кучлар билан доимий мулоқотга даъват этмоқда. Эл орасида бир нақл бор: кимки ёшлигида радикализмга мойил бўлмаган экан, унда дил нима қилсин; кимки етуклик ёшига кирганида консерватизмга садоқатли бўлмаган экан, унда ақл нима қилсин. Бошқа ҳикматли гаплар қатори бу нақлнинг ҳам шартли жиҳатлари бор. Аммо Олий Совет ишида у ҳам бу ҳам, яъни етук ақл ва навқирон радикализм ҳам бир-бирига пайванд бўлиши лозим, бу фикрга қўшиласиз деб ўйлайман.

Хуллас, бизга амалдаги демократия зарур.

Иккинчидан. Олий Советда миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва истиқболи бугунгидек ниҳоятда диққат-эътибор билан таҳлил этилиши зарурлиги илгари ҳеч қачон бу қадар талабчанлик билан ҳис этилмаган эди. Ушбу Съездда масалалар муҳокама қилинаётганда ҳам биз бунга ишонч ҳосил қилдик. Назаримда, ҳар қандай миллат ва ҳар қандай элатнинг, шу миллат ва элатлар вакилларининг фикрига астойдил ҳурмат билдирилганидагина Олий Советнинг иши муваффақиятли бўлиши мумкин. Бу ўринда кўп нарса бизнинг ишимизга, Олий Советнинг ишига боғлиқ бўлади. Фикримча, иккала палата, яъни Иттифоқ Совети ҳам, Миллатлар Совети ҳам фаолроқ ишлаши, шундай қилиб, умумиттифоқ манфаати ҳам, миллий манфаатлар ҳам ифода этилиши лозим, деб гапирган ўртоқлар ҳақ гапни айтишди. Шундай қилинсагина, М. С. Горбачев бугунги нутқида айтганидек, Иттифоқ шартномасини янгилаш тўғрисида яқин орада қонун қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, қонунчиликда ҳам шу йўлдан ҳаракат қилиш учун имконият юзага келади.

Хуллас, бизга амалдаги интернационализм зарур.

Учинчидан . Олий Совет олдида қонунчиликни ривожлантиришдек жуда муҳим масала кун сайин кўндаланг бўлмоқда. Ленин таълим берганидек, жуда эҳтиёт бўлиб, етти ўлчаб бир кесиб қонун чиқариш керак.

Демак, Олий Совет амалда тобора кўпроқ ишбилармон бўлиши лозим.

Тўртинчидан. Президент бошқарувининг таъсис этилиши ҳамда Съезддаги бутун мунозара бизни Президент билан ҳам, ҳукумат билан ҳам муносабатларни янгича белгилашга мажбур этади. Назаримда, бу соҳада биз ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак. Чунки Олий Советнинг назорат вазифаси заифлашиб қолди. Олий Совет ҳам, унинг доимий комиссиялари ва комитетлари ҳам суст ишламоқда.

Олий Советда мустаҳкам, кучли ва самарали назорат, амалдаги назорат бўлиши лозим.

Ва, ниҳоят сўнгги фикрим. Ҳар биримиз, умуман Олий Совет давр даъватига жуда муносиб тарзда жавоб бериш санъатини эгаллаб олишимиз керак. Биз, ҳар бир ўртоғимизнинг — ишчи, колхозчи, инженер, олим, шифокор, маданият арбобининг тажрибасини жамлашга, агар таъбир жоиз бўлса қўшишга ўрганиб олишимиз керак. Ана ўшанда бизни ўйлантириб турган ва биз ҳал этаётган масалалардан тўғри хулосалар чиқариб олишга ўрганамиз. Ана ўшанда, худди футбол командасида бўлганидек, яъни кимнинг дарвозасига ким тўп киритар экан, деб ўйнашга интилиш бўлмайди. Биз бир командадек, бир оркестрдек ишлашимиз лозим, унда ҳар бир cознинг ўз нотаси ва оҳанги бўлади. Агар менинг камроқ тажрибамга ишонсангиз, ана шундай оркестрга бошчилик қилиш осон эмас. Бунинг устига бу оркестр машқ қилмайди ва ҳамиша элнинг кўз ўнгида туради. Демак, башарти оҳанг бузиладиган бўлса, буни бутун мамлакат эшитади. Аммо шунга ишончим комилки, биз биргаликда, аҳил-иноқ бўлиб ишлай оламиз. Халқ иши манфаатлари йўлида, қайта қуриш манфаатлари йўлида фақат бирга бўлайлик ва фақат олға қараб қадам ташлайлик.

* * *

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ёпиқ деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи Гимни янгради.

**(ТАСС).**

*Ҳар ҳафта шанба сонида*




Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

# ТУШИММИ, ЎНГИММИ?

Ярим тунда эшик тақиллади. Очдиму кўзим косасидан чиқаёзди. Остонада одамсимон жонзот турарди. Кўзи битта. Бошидан соч ўрнига сим ўсиб чиққан!

— Кийин! — деб буюрди у дабдурустдан. — Инсонларни «учар ликобча»ларда Миррихга кўчираяпмиз. Сендан бошлаймиз.

— Қанақа Миррих? Ҳеч қаёққа кетмайман! — дедим эшик дастасига қўл чўзиб.

— Ҳой одамзод! — жонзотнинг кўзи сариқ тус олди. — Ўзинг орзу қилиб юрган мусаффо, жаннатмисол жойга олиб бораман. Ҳузур қилиб яшайсан! Сени фалокатдан, ҳалокатдан қутқармоқчиман, холос.

— Бормайман, дедим-ку. Ерда қиладиган ишим кўп. Режалар катта.

— Ғофил банда! Газ, чанг, қурум, хилма-хил кимёвий моддалар, заҳри қотилга ем бўлаяпсан-ку! Кўзингни каттароқ очиб, аҳволингга қара. Асабинг жойида эмас, турли касалликлар кўпайиб кетган, эшакемга учрагансан. Ошқозонинг ишдан чиққан, камқонсан, фарзандларинг ўртасида ўлим кўп. Дўппини олиб қўйиб ўйлаб кўрганмисан?!

— Ўйлаяпмиз, — дедим бўшашиб. — Экологияни яхшилаш юзасидан мамлакат бўйича мажлис устига мажлис, йиғилиш устига йиғилиш ўтказиб турибмиз, коп-қоп қарорлар қабул қилаяпмиз, фармонлар чиқараяпмиз, бир-биридан обрўли комиссиялар, комитетлар, жамиятлар тузаяпмиз...

— Амалий иш-чи?

Лом-мим деёлмадим. Жонзотнинг кўзи битта бўлсаям ақли бутун экан. Мусаффо жойларда яшаган-да, фикри тиниқ.

— Мана, ўзинг яшаётган юртни олайлик. Андижон вилояти бир вақтлар сермева боғ-роғлари, кўзни қамаштирадиган чаманзорлари, сайроқи қушлари, роҳатбахш тоза ҳавоси билан машҳур эди. Ҳозир-чи? Вилоятда нима кўп — корхона кўп. Шулардан бор-йўғи қирқтасида чиқинди сувни тозалаб берадиган иншоот бор, холос. Уларнинг ҳам ярмидан кўпи ишламайди. Тунов куни маҳаллий газеталаринг ёзди: завод, фабрика, чорвачилик фермалари, даволаш муассасалари, бошқа тармоқлардан йилига 2 миллион кубометр тозаланмаган, ифлос чиқинди сув очиқ ҳолда ҳавзаларга оқизиларкан. Шаҳар марказидаги гидролиз заводини-ку қўявер, сувни ифлослантириш, ҳавони заҳарлашда унинг олдига тушадигани йўқ. Вилоятдаги автотранспорт корхоналари ҳам атроф муҳитига зиён етказишда бошқалардан қолишмайди. Тутунни ўлчайдиган асбобни ишга солиш автокорхона раҳбарларининг тушигаям киргани йўқ. Тупроқ унумдорлигини таъминлайдиган гумус дейсизларми, чиринди дейсизларми, вилоят экинзорларида ўшандан 0,5 ёки 1 фоизгина қолибди, холос. Она заминни шу аҳволга солиб қўйиб, яна эрозиядан, вильтдан нолиганларинг нимаси? Ернинг уволи тутмайдими?

— Кейинги вақтда кўзимиз очилаяпти. Экинларга заҳарли моддалар ишлатишни чеклаб қўйдик. Қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ!

— Мақтанма! — жонзотнинг кўзида ўт чақнай бошлади. — Нега Боғишамол дам олиш зонасидаги омборда заҳарли моддаларни неча йилдан бери сақлаяпсизлар? Бир ёқда юз тоннадан ортиқ ажал уруғи — заҳри қотил, иккинчи томонда — улкан сайлгоҳ. Химикатлар ер бағрига сингиб бораяпти. Худо кўрсатмасин, бирор фалокат юз берса...

— Гапингда жон бор, — аста-секин ён бера бошладим унинг мантиқ кучи олдида ожиз қолиб. — Эҳ-ҳе, бу соҳада қанча қарорлар қабул қилинмади... Бутифос ҳамон омборда тургани тўғри. Уни Навоий азот заводига ташиб кетишади, деб бизни ишонтиришганди. Эшитишимизга қараганда, заводнинг ўзи ҳам қил устида турганмиш.

— Тупроқ, ичимлик сув ўз йўлига. Ҳавонинг ифлосланаётганига тоқат қилиб бўлмайди. Вилоятда ҳар йили ҳавога кўтарилаётган зарарли моддалар 25 минг тоннани ташкил этаркан. Биргина машинасозлик заводининг ўзи ҳар соатда 300 кубометр газ, олтингугурт иси ва чанг билан ҳавони булғаб тураркан. Бундай жойда ўсимлик дунёсининг батамом завол топмаётганига, жонли мавжудотнинг қирилиб кетмаётганига ақлим бовар қилмайди. Айниқса Ҳакам адиридаги ғишт ва оҳак заводларидан чиқиб турган бадбўй газ ҳидига инсон қандай тоқат қилаяпти — тушунолмайман. Жонларинг метинданми, дейман-да! Қачонгача кўникиб яшайсизлар? Олма пиш — оғзимга туш, деб ўтирмасдан атроф муҳитини яхшилаш, экологик вазиятни соғломлаштириш учун курашиш лозим. Бошқа йўл йўқ.

— Бўпти! — дедим қатъий. — Курашганим бўлсин. Ишни ҳозирги суҳбатимизни оқизмай-томизмай ёзишдан бошлайман!

Бу ҳодиса тушимда бўлдими, ўнгимдами — бир нарса дейиш қийин. Қолаверса, бунинг нима аҳамияти бор? Тилга олинган муаммолар кўпчиликни безовта қилаётгани сир эмас. Уларни ҳал этиш пайсалга солинаяпти.

Қисқаси, Андижоннинг сўлим табиати ёрдамга муҳтож, уни ҳалокатдан қутқариш учун зарур чоралар кўрилиши лозим. Масаланинг бу ёғи халқ депутатлари вилоят Совети ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар эътиборига ҳавола.

**М. АБДУКАРИМОВ.**

## ТАКЛИФНОМА

Ҳурматли Деҳқон бува! Сизни Булунғур районидаги «Россия» совхозида бўладиган тўйга... йўғ-э, кенгашга лутфан таклиф этамиз. Унда қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш масаласи кўрилади. Овозаларга қараганда, совхоз раҳбарлари бу йил ваъдадан ишга ўтамиз, артезиан қудуқлари қазишни тезлатамиз, дея қамишдан бел боғлаб туришганмиш. Қани энди шундай бўлса? Қишлоғимизда ҳаммом йўқ. «Улуғ»ларимиз бу ҳақда ҳам жиддийроқ ўйлаб кўриб, мушкулимизни осон қилишса ажаб эмас. Нима дедингиз, Деҳқон бува?

Эҳтиром ила, қишлоқ фаоллари номидан:

**С. НОРҚУЛОВА.**

## БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА

«Юқумли касаллардан келдими?»

**[Бош врач йўқламаси].**

«Бошим Қиличникида қолибди шекилли».

**[Қалпоғини йўқотган мастнинг гапи].**

«Ўғирланган бўёқларни дераза ва эшикларимга ишлатгандим, даъвогар хоҳласа уларни йиғиштириб олиб кетиши мумкин».

**[Терговчига берилган тушунтиришдан].**

«Арақ-вино заводида ишга ярамай қолгандим, пиво заводи жонимга аро кирди».

**[Синовчи-ичувчининг эътирофи].**

## ҚАЁН КЕТДИ

Деҳқонободдаги 62-автобаза директори диққатига

**«Деҳқонобод-Оқработ»нинг автобуси қаён кетди!**
**Беш-ўн кунда бир кўринар, ё унга бир зиён етди!!**
**Қари-қартанг, ёш-яланглар мошин кутиб йўлда сарсон,**
**Келгани ҳам тўхтамасдан ўтиб кетди — ул ноз этди.**
**Ҳайдовчилар жиловларин маҳкам тутмай, бўш қўйилгач,**
**Қай томондан мўмай тушса, ўшал томон «учиб» кетди!**
**Баҳонаси — ёнилғи кам. Боз устига, одам озмиш,**
**Ўтган-кетган мошинларга қўл кўтариб кўплар ўтди.**
**Неча марта бошлиғига эл ёлвориб, сим ҳам қоқди,**
**Ваъда берди, лек кўп ўтмай ул ваъдаларин унутди.**
**«Йўл азоби—гўр азоби», буни йўлда қолган билар,**
**Инсоф кирар, ақл кирар, деб йўл пойлаб йиллар ўтди.**
**Хуррам Маҳмуд мадад кутиб, оқработлик эл номидан**
**Арзи ҳолин баён этиб «Мўйчинак»ка ашъор битди.**

Хуррам МАҲМУДОВ.

## ЗАМОНАВИЙ ҲАНГОМАЛАР

### ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ

Чайқовчи Ҳафизхон самолётда мизғиётган эди. Бир барзанги қўлида тўппончаси билан учувчиларга ўшқирди:

— Чет элга ҳайда!

Ҳафизхон ўрнидан даст туриб учувчиларга дўқ ураётганнинг орқасидан секин бориб, унинг қўлини орқасига қайирган эди, тўппончаси тушиб кетди. Ёвузнинг оёқ-қўлини боғлашди. Самолёт ўз вақтида манзилга қўнгач, уни тартибот посбонлари ўраб олишди.

— Айтинг-чи, Ҳафизхон, қандай қилиб қуролланган барзангини қўлга олдингиз?

— Қарасам, учувчини чет элга ҳайда деб зўрлаяпти. Зўрлаш бунақа бўлади, деб билагини эздим, йиқилди.

— Мабодо чет элга ҳайдаса борармидингиз?

— Юким-чи?! Бу шаҳарда помидорнинг килоси ўн сўм, чет элда уни пуллаб бўлармиди?!

### ТЕЗЛАШТИРИШ

Қурилиш бўлаётган жойга комиссия келди. Инженер у ёққа, прораб бу ёққа ҳаллослаб чопармиш. Беш-олти киши эса қуруқ замбилғалтакни шалдиратиб ғилдиратармиш. Комиссия аъзоларидан бири ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима қилаяпсизлар ўзи? Замбилғалтакда юк йўқ-ку!

— Юк юклашга вақт йўқ!

**М. ДАРВИШЕВ.**





ФОТОАЙБНОМА

## РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Тўрақўрғонда дув-дув гап: Қодиробод посёлкасида одамлар тап-тайёр уйлардан воз кечишаётганмиш. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Район марказидан ўн беш чақирим нарида янги посёлка барпо этила бошлаганда ҳамма хурсанд бўлган эди. Яхши ният билан унга Қодиробод номи берилди. Гап номда эмас, албатта. «Узагропромстрой» трестига қарашли 148-МПМК азаматларининг тезкорлигига тан берасиз: ҳар бир оила учун икки қаватли коттежлар бунёд этилди. Қурувчиларга райондаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг коллективлари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Ҳамкорлик шундай бўлади-да!

Кўп ўтмай «тезкорлик»нинг тахири чиқди. Уй-жойлар «биздан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида қурилганлиги маълум бўлди. Қолаверса, посёлка учун танланган жой нобоп, тупроқ шўрланган, яшаш учун шароит оғир. Бутун посёлкада битта озиқ-овқат дўкони бор. Мактаб катта қийинчиликлар билан ишга туширилди.

Янги уй-жойлар «Партия XXV съезди» ҳамда Киров номли колхозларнинг аъзоларига мўлжалланган эди. Улар эса бу ерда яшашни истамаяптилар. 80 та коттеждан 54 таси ўз «эга»ларини кутаяпти. Бироқ талабгор йўқ. Кўчиб келганлар ҳам «омонат» уйларни бирин-кетин тарк этишаяпти.

Посёлка қурилиши учун 1 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Бугунги кунда у деярли бўм-бўш. Ана холос! Бу ёғи қандоқ бўлди? Посёлка қурилиши тепасида турганлар қаёққа қарашдийкин? Хўжасизлик, масъулиятсизлик учун ким жавоб беради?!

СУРАТЛАРДА: 1. Қодиробод посёлкасидаги ташландиқ уй-жойлар. 2. Қурувчилар қолдирган нохуш «манзара».

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ).

---

*Номлар тарихидан*

# ТЕЗГУЗАР

Республикамизда шу номда бир неча қишлоқ бор. Уларнинг энг машҳури Шофиркон ва Шаҳрисабзда. Ҳозир ҳар иккаласи шаҳарга туташиб кетган.

Тезгузар номининг ташқи тузилишига қараб, тез ўтиб кетадиган ёки бошқа бирон мавҳум жойи бордир, деб ўйлайсиз. Тез ва гузар сўзлари мағзини турлича шарҳлаб кўрасиз. Иккаласининг ҳам маъноси аниқ: тез — ҳаракатнинг жадаллиги, суръатини билдиради. Гузар эса қишлоқнинг икки ёнига қатор қилиб қурилган ҳовли-жойлар орасидаги узун йўлак, ёки йўл.

Бухоро хонлигига оид шаҳарларда XVII—XIX асрлар маҳаллани ҳам гузар дейилган. Гузар сўзининг бошқа маъноси ҳам бор. Дарё каби йирик сув ўзанларидан ҳайвон ва одам ўтиши қулай кечиклар ҳам шундай деб юритилган. Унинг тожик тилидаги энг қадимий маъноси ўтиладиган ёки юритиладиган жой, йўлак демакдир. Гузаштан (ўтмоқ) феълининг ҳозирги шакли — гузар. Тез ва гузар сўзларининг ўзбек ҳамда тожик тилларидаги қадимги ва ҳозирги маъноларига қараб шарҳлайдиган бўлсак, тез юриб ўтиладиган йўлак деган хулосага келиш мумкин. Аммо бу изоҳ қишлоқ ва унинг номига тўғри келмайди. Исм ҳақида турли ривоят ва фаразлар тўқилган. Ҳаммасида тез сўзининг маъноси намоён.

Хўш, ном бошидаги «тез» қандай сўз? Бошқачароқ эмасмикин? Ҳа, шундай. Ном яратилганда Диз гузар тарзида бўлган.

Диз — суғд тилига хос сўз. У қўрғон демакдир. Жиззах номининг қадимий шакли — Дизак, яъни кичик қўрғон. Илк ўрта асрларда Туркманистондаги Мурғоб ёқасида, Усрушанада Дизак деган шаҳарчалар бўлганлиги маълум. Ўрта Осиё тарихнавислари (X—XIII асрлар) асарларида бу шаҳарлар йирик аҳоли маскани сифатида қайд этилган. Диз сўзининг жой номлари ўрта асрларда бутун Мовароуннаҳрга хос бўлган. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Қашқа, Сурхон воҳаси, Жиззах, Ўра тепада шу сўз билан аталган қишлоқлар кўп бўлган. Академик В. В. Бартольд X—XIII аср араб географлари, тарихчилари асарларида Бухоро ва унинг атрофида Бердиза, Дизак, Зарудиза, Комдиз, Тодиза, Фағандиз, Фағдиз номли қишлоқлар бўлганлигини аниқлаган. Нахшаб атрофида Фархурдиза, Устуғдадиза, Хашиндиза аҳолиси кўп қишлоқлар саналган. Самарқандда эса йирик маҳаллаларнинг номи Сангдиза (тош қўрғон), Жакардиза (ҳозир Чақар маҳалла), Ушрабдиза, Фағидиза деб аталган. Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида Аркуддиз, Ковокдиза, Захандиза, Туркмандиза, Катвандиза, Навдиз (янги қўрғон), Тадиза, Шамидиза каби қўрғон, қишлоқлар бўлган. Қадимий шаҳарларнинг барчасида Қундуз ва Қундузак деган маҳалла, гузарлар бор. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хўжанд, Марғилон, Тошкент ва бошқа жойларда бу номдаги маҳаллалар шаҳарнинг марказида ёки қадимий қисмида. Бу икки номнинг азалий шакли кўҳан, диз-ак морфемаларидан иборат: кўҳан-кўҳна, қадимий, эски, аввалги; диз-қўрғон,-ак қўшимчаси кичикликни ва мавжудликни билдирган. Кўҳан диз-кў: ндиз-кундуз-қундуз, шу сўзга —ак қўшимчаси қўшилган. Диз ва диза — бир хил маънодаги сўз, бир ўзакдан ҳосил бўлган. Дастлаб қўрғон маънони билдирган. Бухоро, Қарши ва Самарқанд атрофида шу сўз ёрдамида ясалган қадимий номлар ҳозиргача сақланиб қолган. Қаршидаги Каманди, Лаганди, Паканди, Писанди, Апарди каби қишлоқлар номлари ҳам X—XI асрлардан олдин яралган. Сўнгги сўз сал ўзгаргандир. У азалда диз тарзида бўлган.

Шуни айтиш керакки, диз сўзи қўшма номларнинг бошқа қисми ёки мустақил тарзда ўзи бир ном бўлганда баъзан товуш ўзгаришига ҳам учраган. Қарши ва Ульянов районларида Жизза қишлоғи бор. Бухоро атрофида эса Жизза қишлоғи бўлган. Сурхондарёнинг Денов районидаги Хонжиза қишлоғи номида ҳам шу сўз мавжуд. Аслида бу номлар Диза тарзида бўлган. Диз сўзига «а» қўшимчаси қўшилиб, сўз ясалган, қўрғонли ё қўрғонча маъносини билдирган. Косондаги Жиззалик қишлоғи номи Жизза шаклини олган. Жиззах эса Дизак сўзидан.

Бу ўзгаришлар Ўзбекистон аҳолисининг XI асрдан кейинги давр тараққиётига хос. Тожик ва ўзбек тилларининг таъсири, қадимги суғдларнинг уларга қўшилиб кетиши бунга сабаб бўлган.

Тезгузар номи эса анча қадимда яратилган. У туркий ва эроний тиллар ҳамкорлиги, таъсири нисбатан суст бўлган даврда юзага келган. Сўз бошида дизнинг қадимий шаклига яқинроқ қиёфаси сақланиб қолган. Тезгузар — қўрғонли гузар. Шаҳристондан ташқарида қурилган қўрғон атрофида ташкил бўлган ҳовли-уйлар бу гузар (маҳалла)нинг номланишига омил бўлган.

**Т. НАФАСОВ,**
**Қарши давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди.**

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

### РУҲАН ДАВОЛАНИШ

**Ҳозирги кунларда хотин-қизлар ҳам руҳий азобланишга дучор бўлаяптилар. Агар бундан йигирма йил муқаддам ҳар ўн аёлнинг бири инфарктга чалинса, эндиликда учдан бири мубтало бўлмоқда.**

**Бунинг сабаби кўп. Юқорида таъкидлаганимиздек, руҳий азобланиш ҳам ана шулар жумласига киради. «Восточно-Сибирская правда» газетасида ёзишларича, бундан халос бўлиш учун ваннада чўмилиш зарур. Сувга хушбўй ўтлар шарбатидан солиш оғир иш кунидан сўнг қувватни тиклашга имкон беради. Лимонялпиз, нина барглар ёки валериана илдизидан тайёрланган шарбатни ваннага солиб, чўмилиш айниқса фойдали. Унинг таъсири тахминан ўн беш дақиқадан кейиноқ билинади.**

### ОМАДЛИ БАЛИҚЧИЛАР

**Рейлик икки ёш француз саботлиликда ўзига хос рекорд ўрнатишди. Бу балиқчилар Марна дарёси бўйида 12 куну икки соат ўтириб, шу вақт мобайнида ўттиз килограмм луқмаи ҳалол тутдилар. Мазкур натижа «Гиннес рекордлар китоби»га ёзилса арзийди, деб эълон қилишди.**

### МУСИҚА ва... СОВУН

**Сарлавҳани ўқиган киши ҳайрон бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, мусиқанинг совунга ёки бунинг аксича, совуннинг куйга қандай алоқаси бор! Яқинда Мстислав Ростроповичнинг СССРга сафарида бу саволга жавоб олинди. Симфоник мусиқага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган «Проктер энб Эмбл» [АҚШ] фирмаси унга кетадиган харажатларни ўз зиммасига олди. Бундан бир ярим аср муқаддам ташкил этилган фирма ҳозирги кунда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи йирик корхонага айланди. У ўз маҳсулотларини 140 мамлакатга жўнатмоқда. Совет муштарийлари ҳам «Ало» ювиш воситаси, «Камей» совуни, «Бленд-а мед» ва «Крест» тиш тозалагичларини баҳолаш имкониятига эга бўлдилар.**

## СПОРТ АХБОРОТИ

### НИҲОЯТ, БИРИНЧИ

Москванинг «Динамо» командаси ҳақли равишда мамлакатимизнинг энг кучли коллективларидан бири ҳисобланади. Клуб аъзолари спортнинг кўпгина турларида илк мусобақаларнинг ғолиблари бўлганлар. Бу анъана шайбали хоккей бўйича мамлакат биринчилигида ҳам такрорланганди. Улар кейинчалик яна бир неча бор ғолиб бўлишди. Аммо 1954 йилдан бери динамочилар ҳар йили кумуш ёки бронза медаллари билан тақдирланишади.

Бу йил ҳам уларга осон бўлмади. Гарчи «Динамо» таркибида кучли хоккейчилар бўлишига қарамасдан команда баъзи учрашувларни бой бериб қўйди. Аммо бора-бора коллектив ўйини яхшиланди, учликлар сараланди. Команда илк босқич учрашувларини иккинчи ўринда якунлашди. Бу биринчи ўринда бораётган «Химик» (Воскресенск) клубидан тўрт очко кам эди.

Динамочилар рақибларига етиб олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Бу уларга иккинчи босқич учрашувларини уюшқоқлик билан ўтказишга имкон берди. Машҳур клуб аъзолари биринчилик якунланишига уч тур қолганда «Химик»дан икки очко ўзиб, якка пешқадам бўлиб олдилар. Улар карвонбошиликни чемпионат ниҳоясига қадар қўлдан беришмади.

Мана ниҳоят Москванинг яна бир коллективи — «Спартак» командаси билан бўлган сўнгги учрашув. Динамочилар уни чемпионларга хос тарзда ҳужумкорлик билан ўтказиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Бу командага 75 очко тўплаб, олий лигада биринчи ўринни олишга имкон берди. Динамочилар 36 йиллик танаффусдан сўнг олтин медалларга сазовор бўлдилар.

«Крилья Советов» клуби билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган Москва армиячилари кумуш медалларни қўлга киритишди. Бутун мавсум давомида олий лигада карвонбошилик қилган «Химик» коллективи эса бронза медалига сазовор бўлди. Воскресенсклик хоккейчилар сўнгги учрашувни Минскда маҳаллий динамочилар билан ўтказиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Горькийда маҳаллий торпедочиларнинг ярославллик командадошлари билан бўлган баҳсида меҳмонларнинг қўли баланд келди. Улар майдон эгаларини 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

### ЯНА ҒАЛАБА

Илгари хабар берганимиздек, собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан голландиялик халқаро гроссмейстер Ян Тимман ўртасидаги тўртинчи партия оқларнинг 61-юришидан сўнг кечиктирилган эди. Баҳс давом эттирилганда Карпов маҳорат кўрсатди. У бу партияни ажойиб тарзда якунлаб, матчда иккинчи ғалабани қўлга киритди.

Шундай қилиб, Карпов—Тимман матчида умумий ҳисоб 3,5:1,5 бўлиб, совет шахматчиси карвонбошилик қилмоқда.

### НИШОНДОРЛАР

Иркутскда ёш боксчиларнинг (1972—1973 йилларда туғилган) мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди. Унда республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Улардан икки нафари олтин ва кумуш, уч нафари бронза медаллари билан тақдирланиб, мухлисларини хушнуд этдилар.

Андижондаги олимпия ўринбосарлари билим юртининг талабаси Муҳаммадқодир Абдуллаев айниқса яхши натижага эришди. У 46 килограммгача вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Чирчиқлик ёш боксчи И. Журавлёв кумуш медаль билан тақдирланди.

**Муҳаррир ўринбосари Н. ЁҚУБОВ.**

## ОЙНАИ ЖАҲОНДА

18 МАРТ, ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Бойсунда қор эриганда». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари».
10.55 «Хотинимнинг эри». Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.
12.45 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
13.30 Амалий давра суҳбати. «Иш билан банд қилиш» программаси амалда.
14.30 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
15.00 «Дўстлик» программаси. «Замандас».

Тижорат видеоканали

16.00 Андижон вилояти Балиқчи район «Тарона» ансамбли ижро этади.
16.45 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
20.25 Реклама.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Фильмотекамиз жавонларидан».
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Дилрабо шеърият кечаси». Туроб Тўла.
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

10.00 «Ахбор».
10.25 Ҳужжатли фильм.
10.40 «Дониш» студияси.
11.15 Фильм-концерт.
12.35 «Мен севган масхарабоз». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Мультфильм.
18.00 «Мўъжиза-алифбо».
18.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».
19.00 «Забони мо — жаҳони мо».
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 «Таронахои Шарқ».
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Мен севган масхарабоз». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 «Блиц» тонгги дам олиш программаси.
12.00 М. Вахутинский чалади (сибизға).
12.05 «Здоровье».
12.50 Эртак ва саргузаштлар оламида. «Қорқиз». Бадиий фильм («Ленфильм»).
14.30 «Педагогика ҳамма учун».
16.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.15 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Канададан кўрсатилади.

Якшанба кинозали

19.30 «Бу яна нимаси?..». Мультфильм.
20.05 «Аткинс». Бадиий фильм («ДЕФА», ГДР, «Бухарест», Руминия).
21.30 «7 кун».
22.30 Абадият ҳақида ўйлар.
22.45 Мирей Матье куйлайди (Франция).

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Тулкилар товуқлар билан қандай дўстлашишди». Мультфильм.
9.05 Камер концерти. Киевдан кўрсатилади.
9.25 «Ягуар». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
10.50 «Жигули аср охирида». Экология ҳақида ҳужжатли фильм. «Она-замин ташвишида» туркумидан.
11.05 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
11.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Грач концерти (скрипка).
11.55 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
12.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр П. Коган фильмлари: «Махфий буюртма», «Ёз яқин».
13.40 Болалар учун фильм. «Кўҳна чордоқ сири» (Югославия, Чехословакия).
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 Мусиқий видеоканал.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ака-ука Люлар». Мультфильм. 2-қисм.
20.45 «Агар сиз...».
21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан).
22.30 «Бу ажойиб камолот ёши». Бадиий фильм (Болгария).
23.40 Сувга сакраш. СССР ва АҚШ терма командаларининг матчи. «Олимпийский» спорт комплекси сув ҳавзасидан кўрсатилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 01175. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1158. —1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12